ЙОД ТАНҚИСЛИГИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА СИНФЛАШ МУАММОЛАРИ

И.Р.Асқаров, А.С.Хожиқулов, О.Ш.Абдуллаев

Мақолада йод танқислигининг келиб чиқиш сабаблари, унинг натижасида келиб чиқадиган касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситаларини кимёвий таркиби бўйича синфлаш ҳамда дори воситаларига янги код рақамлари бериш бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: йод танқислиги, руҳий ва жисмоний заифлик*, иммунитетни*нг пасайиши, ноорганик йод ҳосилалари, аминокислота ҳосилалари, гетероциклик бирикма ҳосилалари.

В статье рассматриваются причины йодной недостаточности, лекарственные средства, используемые для лечения заболеваний, возникающих в результате этого, а также представлены рекомендации по введению новых кодовых номеров для лекарственных средств.

Ключевые слова: йодная недостаточность, умственная и физическая слабость, снижение иммунитета, неорганические соединения йода, производные аминокислот, гетероциклические соединения.

The article discusses the causes of iodine deficiency, drugs used to treat diseases resulting from this are listed in the classification of chemical compounds, as well as in recommendations for the introduction of new code numbers for drugs.

Keywords: *iodine deficiency, mental and physical weakness, decreased immunity, inorganic iodine compounds, amino acid derivatives, heterocyclic compounds.*

Ўзбекистонда жорий этилган “Товарлар кимёси” фан**и** экспорт ва импорт қилинаётган озиқ-овқат, саноат, тиббиёт маҳсулотлари каби товарларнинг сифатини назорат қилишда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Айниқса, ҳозирги кунда мамлакатимизда инсон саломатлиги, халқимизни сифатли тиббий маҳсулотлар билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Халқ саломатлигини муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Бинобарин, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунлар соҳани такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Дори воситаларини сертификатлаш ноқонуний ишлаб чиқарилаётган қалбаки дори воситаларидан ҳимояланишни кафолатлайди [1].

Экологиянинг бузилиши, атроф-муҳитга кераксиз чиқиндиларнинг ортиқча миқдорда кўп чиқарилиши турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, йод танқислиги касаллиги ҳам авж олиб бормоқда. Касалликнинг асосий сабаблари озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувининг йодга кам тўйиниши, организмга йоднинг кам тушиши, руҳий нотинчлик ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Юқоридаги омиллар таъсирида организмда бир қатор ўзгаришлар бўлади. Айниқса, болаларда руҳан ва жисмонан заифлик, иммунитетнинг пасайиши кузатилади. Шуларни эътиборга олган ҳолда ушбу касалликнинг олдини олиш, даволаш ишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда доривор воситаларнинг ўрни катта. Уларнинг сифати, давлат назоратида эканлиги алоҳида аҳамиятга эга [2].

Йод препаратлари антисептик моддалар тариқасида сиртга ишлатиш учун кенг қўлланади. Шунингдек, тери ва шиллиқ пардаларнинг яллиғланиш касалликларида таъсирлантирадиган ва чалғитадиган дори сифатида ҳам кўп ишлатилади. Йод препаратлари атеросклерозда, нафас йўлларининг сурункали яллиғланиш касалликлари, гипертиреоз, эндемик бўқоқда буюрилади. Йод танқислигини бартараф этиш учун инсонларни профилактика ва даволашда йод препаратлари ишлатилади [3].

Организмда йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситаларини синфлашда уларнинг кимёвий таркибига кўра ҳар бир дорини бирлаштирувчи функционал гуруҳни асос қилиб олинди. 1-жадвалда “Йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг кимёвий таркиби асосида синфлаш” бўйича маълумотлар келтирилган.

1- жадвал

Йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситаларини кимёвий таркиби асосида синфлаш

Синф	Формула	Таркиби
Ноорганик йод ҳосилалари	Калий йодид	KI
	Натрий йодид	NaI
Амино кислота асосида олинадиган ҳосилалар	Тиреоидин (Тироксин ва 3,5,3`-трииод-тиронин)	
	Дийодтирозин (L-в-(3,5- дииод-4-оксифенил)- пропион кислотаси	
	Трийодтиронин гидрохлорид	
	Тиреокомб (Лиотиронин, левотироксин, калий йодид)	 
	Тиреотон (Лиоритонин, левотироксин)	 

Гетероциклик бирикма ҳосилалари	Мерказолил 1–метил-2–меркапто-имидазол	
	Метилтио-урацил 6– метил – 1,2,3,4 – тетрагидро-пиримидинон – 4 тион – 2	

ТИФ ТН бўйича “йод ва йод тутувчи препаратлар”га умумий қилиб 3004901100 код рақами берилган эди. Биз томонимиздан йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситалари синфларга ажратилди ҳамда уларга қуйидагича код рақамлари бериш тавсия этилди [4].

2 – жадвал

Йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситаларига ТИФ ТН бўйича тавсия этилган код рақамлари

ТИФ ТН бўйича берилган код рақамлар		ТИФ ТН бўйича тавсия этилган код рақамлари	
Синф	Код рақам	Синф	Код рақам
Йод ва йод тутувчи препаратлар	3004901100	Ноорганик йодид ҳосилалари	3004901101
		Аминокислота асосида олинадиган ҳосилалар	3004901102
		Гетероциклик бирикма ҳосилалари	3004901109

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.- Тошкент, 2007.- Б.17–22.

2. Клиев М.А. Табобатда ишлатиладиган дори-дармонлар.- Тошкент: Абу Али ибн Сино, 1995.

3. Машковский М.Д. Лекарственные средства. (IIтом). – Москва: ООО “Новая волна”, Издатель С.Б.Дивов, 2002. – С.8-9.

4. Товарная номенклатура внешне экономической деятельности Республики Узбекистан. – Тошкент.: 2012. – 272 с.

Андижон давлат университети,
2018 йил 18 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ш.Абдуллаев)